

## ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

**Т. Утемиратов**

Нукус шаҳар адлия бўлими  
Юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи  
Email: [utemiratov.timur@mail.ru](mailto:utemiratov.timur@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг самарали бошқарув тизимини яратиш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида айтиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** аҳолининг репродуктив саломатлиги, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги инсоннинг жисмоний, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан соғломлиги ҳолати бўлиб, бу ҳолат унинг бола туғилишига қодирлигини белгилайдиган репродуктив тизими, ушбу тизимнинг функциялари, ҳаётий жараёнлари билан боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ушбу тадбирлар натижасида мамлакатимизда 2017-2022 йилларда оналар ўлими кўрсаткичи 1,5 бараварга, гўдақлар ўлими эса 1,3 бараварга камайишига эришилди.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида болалар анестезиология-реанимация бўлимлари ҳамда кечаю кундуз шошилиш тиббий ёрдам кўрсатувчи педиатрия постлари, шунингдек, поликлиникаларда болалар бўлимлари ташкил этилди. Барча «тиббиёт бригадалари» таркибига қўшимча педиатрия ҳамшираси ва доя штатлари ажратилди. Болалар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларни зарур витамин комплекслари, йод препарати, темир ва фолий кислотаси билан бепул таъминлаш жорий этилди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг самарали бошқарув тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрда “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш,

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди

Қарорга кўра, 2023 йил 1 октябрдан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда унинг 14 ҳудудий филиали ташкил этилади.

Эндиликда, бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасаларида “тиббиёт бригадалари”:

- ўзларига бириктирилган ҳудудларда ҳомиладор аёлларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш ва даврий тиббий кўрикдан ўтишини ташкил этади;
- ҳомиладор аёллар ҳолатини доимий мониторинг қилиб боради;
- туғуруқдан кейинги даврда она ва боланинг даврий патронажини олиб боради;

Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт Марказининг ҳудудий филиаллари:

- хавф омиллари аниқланган аёлларни тиббий текширувдан ўтказди, уларни даволайди;
- ирсий касалликлар аниқланган болаларни махсус дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди.

Республика перинатал маркази, эрта туғуруқ хавфи бўлган ҳомиладорларга, шунингдек, муддати етмасдан (22-28 ҳафталик) туғилган чақалоқларга барча турдаги тиббий хизматлар кўрсатади;

Марказ:

- ҳомиладор аёллар ва янги туғилган болалар скрининги бўйича ихтисослаштирилган ҳамда юқори технологик диагностика ва даволаш амалиётларини жорий этади;
- акушерлик-гинекология, тиббий-генетик маслаҳат, соғлом оилани режалаштириш, молекуляр-генетик текширув, пластик ва эстетик гинекология, ёрдамчи репродуктив технологиялар хизматларини ташкил этади.

2023 йил 1 октябрдан бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасаларида мутахассисларни жорий этилаётган янги тизим бўйича ўқитиш йўлга қўйилди.

2024 йил 1 октябрдан ҳар йили 100 тагача имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга ёрдамчи репродуктив технологиялар усуллари муваффақиятли қўлланганда ушбу амалиётни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилади.

Қарор билан шунингдек, оналар ва болалар ҳамда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, ушбу дастурга кўра, ҳомиладор аёллар уй варақасини рақамлаштириш ва амалиётга жорий этиш назарда тутилган.

Шунингдек, Республикада 2023-2027 йилларда туғуруқ ўринлари сони жами 4 321 тага оширилиши белгиланди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 мартдаги «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрьдаги “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” пқ-296-сон қарори.